БИЗГА ОЛИМЛАР КЕРАКМИ? (ЁХУД “РЕНЕССАНСДА” СОДИР БЎЛГАН ТАНАЗЗУЛ)

Абдушукур Шарипов
Ренессанс таълим университети 3-босқич талабаси

Жамият юксалиши ва инсоният тараққиёти учун олимлардан кўра кўпроқ интилган кишилар қатлами бўлмаса керак. Минг йиллар ўтса ҳам олимлар илгари сурган ғоялар бугун ҳам ўз кучуни йўқотгани йўқ, аксинча уларнинг аксарият фикр-мулоҳазалари реал ҳаётга кўчиб ўз тасдиғини топмоқда. Шунга қарамай замонавий даврда олимлик имиджи тушуб, аста секин ҳақиқат инқирозга юз тутмоқда.

Олимлар табиатан ҳақиқатга илтилувчи ва уни сақлай билувчи, илм қилувчи ёки мавжуд илимларнинг моҳиятини тушуниб етиб, улар устида тадқиқотлар олиб бориш орқали илм манбаининг кенгайишига ва жамият равнақига хизмат қилувчи шахслар. Олимлар нафақат бугунги кунни ўйлайди, балки уни узоқ ўтмиш ва келажакка билан боғлаб яшайди. Шунга монанд унинг ички дунёси ҳам бошқалардан тубдан фарқ қилади, аммо ташқи кўринишда жамият билан уйғун бўлиши мумкин.

Олим илм ёки ҳақиқат билан шуғилланар экан, у кўпроқ жамиятда, ижтимоий муносабатларда ва инсон ахлоқида бўлган етишмовчиликларни тушуниб ва англаб бораверади. Шундай экан инсон олим бўлиш учун ҳам эҳтимол илоҳий танланиши керакдир?! Олимлик машаққатли меҳнат ва соф виждон талаб этиши барчамизга аъён. Уни шарафли адо етиш эса олимнинг елкасидаги маъсулиятли юк бўлиб қолади. Унинг руҳи ҳақиқатга, илоҳиётга боғланиши ана шу юкни аритади. “Файласуф ичида ўчмас руҳ яшайди. Ана шундай олимларнинг руҳи буюк бўлса, унинг олдида бошқа ҳеч нарса буюк бўла олмайди”[1].

Абу Муслим Ҳавлоний айтар экан, “Ер юзидаги уламолар осмондаги юлдузлар мисолидир. Агар улар порласа, инсонлар шу билан тўғри йўл топишади, агар улар сўнса, инсонлар жонсарак бўлиб қолишади”[2]. Ҳақиқатдан ҳам олимлар илдам қадам ташласалар, инсонлар уларнинг сўзларига қулоқ тутган ҳолда яшаб ўз ҳаётлпрининг ҳақиқатига албатта эришадилар. Бунинг учун эса олим ўзининг меҳнатларини инсоният учун фарз ва қарз деб билиши керак бўлади. Шундай экан қандай қилиб уларнинг фаолиятини илоҳий деб атамаслик мумкин?!

[1] Seneca – moral letters
[2] Imom Muhyiddin Abu Zakariyo Yahyo ibn Sharaf Navaviy, *Ilm olish odoblari,* tarj. Yorqinjon Saydaliyev (2025)

“Профессор - бу билим ишлаб чиқарувчи емас, балки реаллик билан тўқнашувдан қочмайдиган, мавжуд тасаввурлар ва қоидаларни доимий синовдан ўтказиб турадиган шахсдир” - сиёсашунос Ҳамид Содиқ профессор-олимлар фаолиятига шундай тариф беради. Кўрамизки олимлик биргина илм қилиш эмас, балки ана шундай ҳақиқат учун курашиш, тизим қобиғ ёки комфортга тушиб қолмаслиги ҳамда уни доимо адолат ва ҳақиқат мезони орқали ҳам текшириш деб қабул қилсак эҳтимол яхшироқ бўлар эди. Илм ўзгариш ва ўзгартиришни талаб этар экан, олимни ҳаракатга, хавфга, зиддиятга, қарама-қаршиликларга қўяди. Ана шундагина олимнинг машаққатли меҳнатини оқ қоғоз ҳурмат билан қадрлайди.

Бунинг учун эса уларнинг ҳақиқат деб курашишига, ўз бурчини виждонан бажаришига академик эркинлиги ҳам мавжуд бўлиши кераклигини айтиб ўтишимиз лозим. Аммо олимларнинг академик эркинлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқдами? Университетлар бугун кўпроқ баландпарвоз рейтингларни ва ўзини устакор намойиш этиш йўлларини кашф этиш билан овора бўлиб қолмаяптимикан?

Олимлар қадри, академик эркинлик ҳуқуқларининг поймол бўлиши сўнги вақтларда “Ренессанс таълим университети”да рўй бермоқда. Университет раҳбариятининг “сунъий равишда” профессор ва тадқиқотчиларга қўйган илмий талаблари сабабли кўплаб ўқитувчи-профессорлар университетдан кетиб қолишган. Университет раҳбарияти таълимнинг сифатини яхшилаш ниятидами ёки талабаларни олимлардан айиришни истайдими ёхуд илм фидойиларини четга суриб ёшларни сарсон-саргардон қилиш ниятидами?!

Тушунмайсан! Масалан, профессор олимларимиз ёзган дарсликлар сабабли бугун университет кутубхонасидаги “сиёсий фанлар” бўлими китобларга тўлиб турибди. Кўплаб хорижий конференцияларда эса олимларимизнинг ёзган мақолалари университетимиз номини кўтариб туриди. Бироқ раҳбарият олимларни “ишлатиб бўлиб ташлаб юбориладиган буюм”дек кўриб-ми, улар меҳнатини қадрламаяпди. Булар етмаганидек, талабаларда ташаббускорлик, креативлик, шахснинг интеллектуал, маданий, ахлоқий тарбиясини ривожлантириш мақсадлари асосида бирлашиб ташкил этилган “Устоз-шогирд” мактаби фаолияти ҳам қўллаб-қувватланмади. Мактабнинг 6 ойлик фаолияти давомида кўплаб ижодий тадбир ва ташрифлар ташкил қилинишига қарамай олимлар кетишига йўл қўйилди.

Устозлар ўгитларига эргашган талабаларнинг қай бири қалбида хорижий магистратураларда ўқиш орзуси бўлса, яна қай бирларида профессор устозлар каби ҳуқуқ ва сиёсий фанларда қатор илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадлари бор эди. Бугун эса илмга меҳр қўйган, иштиёқ билан бир ўқув йили давомида бир қанча китобларни ўқиб тугатган талабаларнинг на раҳбариятдан

умиди бор ва на университетга бориш истаги. Бундан ташқари яна бир гуруҳ талабалар университетда қолганидан афсус-надомат чекса, яна бирлари “Бу ерда ўқишга ҳожат қолмади”, деб таълим, билимга эътиборсизлашаётгани кишини юрагини тирнайди.

Бугун “китоб ярмаркалари”, “заковат ўйинлари”, “хорижий келишувлар”, “конференциялар” ташкил этилмоқда. Қани эди мана шуларнинг барчаси бизга аниқ натижаларни бера олса, баъзилар баралла айтаётган сифатли таълимнинг асосини шулар ташкил эта олса. “Таълим, таълим, таълим” деб, ижодкор ва ҳақиқатпеша олимларимизни университетдан кетишга мажбур қилиб, илм олишга талпинган талабаларнинг руҳини бугун исёнга олиб бормоқдасиз-ку. Бизлар университетда олимларнинг шаъни топталишини кўриб туриб қандай қилиб олим бўлишга интилишимиз мумкин? Бизга олимлар керакми ўзи?

Хулоса қилганда, “Ренессанс таълим университети” ўз номига мос бўлиши учун унга аввало мутахассис олимлар керак. Илк Ренессанс даврида ҳам илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига бевосита олимлар сабабчи бўлган. “Ренессанс”нинг субъектлари олимлардир. Шу сабабдан талабалар олимларнинг университетга қайтишини ва биргаликда Ренессанс пойдеворини қурушни истайди.

Бизга биз ҳавас қилган устозларни қайтаринг. Бизни ренессансга улар бошлаб боради, биз бунга ишонамиз. Агар буни қила олмасангиз, сиз пул қурбонисиз, таълимни бизнесга сотган, бугунги жамият ва авлод кўзини кўр қилаётган сохта ватандош бўлиб қоласиз.